



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОГИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

1 БОБ: “ҒАЛАБА БОГИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ.

2-МАШГУЛОТ: “МОТАМ ВА АНДУХ” ҲУДУДИ.

Тошкент ш. 2021 й.

Мотам ва андуҳ ҳудуди “Матонат мадхияси” композицияси

Иккинчи жаҳон уруши онани фарзанддан, фарзандни онадан айирган, шунингдек, инсоният устидан қилинган катта жиноят эди. Тошкент вилояти Зангиота туманида вояга етган Зулфия ая Зокирова матонатли ва фидоий ўзбек аёли тимсоли. У Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш нафар азamat ўғлидан жудо бўлган. Золим уруш туфайли Зулфия аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим қолди. Бу композицияда Зулфия ая Зокированинг ғам андуҳи ҳамда беш нафар норқул йигитларнинг монументал ҳайкаллари ифодаланган. Ая келинларини турмушга бермоқчи бўлади, аммо келинлари ая билан биргаликда бутун умр мотам тутиб қолишга қарор қиласди. Бу - севги ва садоқат мадхияси, ўзбек аёлининг енгилмас куч-қудрати тимсолидир.



Зулфия ая, келинлари ва
набиралари композицияси



Мотам ва андух худудидан ўрин олган Зулфия ая, келинлари ва набиралари композицияси фотолавҳалари

“КЎЗ ЁШИ” ЁДГОРЛИГИ

“Кўз ёши” ёдгорлиги тубсиз гирдоб шаклида ишланган бўлиб, бунда даҳшатли уруш қанчадан-қанча инсонларни миллати, дини ва жинсидан қатъий назар – абадул-абад домига тортиб кетгани тасвиrlанган. Мусулмон, насроний, яхудий каби турли динларга мансуб инсонлар хотирасига ўрнатилган қабртошлар урушда ҳалок бўлган ва йўқсизлик сари йўл олган саф-саф аскарларга ўхшайди. Гирдобнинг ҳар бир қатида 1941-1945 йилларда ҳалок бўлган жангчиларнинг сони йилма-йил алоҳида қайд этилган. Энг олдинги қатламда урушгача яшаган ва уруш даврини қўрган инсонларнинг табассумли чехралари акс этган фотосуратлар жойлаштирилган. Уларнинг беғубор нигоҳлари бир дунё орзу-ҳаваси ва ҳаётга бўлган чексиз муҳаббатини шундоқ уқиб олиш мумкин. Ёдгорлик остонасидаги сув сатҳи эса қайғу ва андуҳ кўз ёшларидан ҳосил бўлган кўлни англатади.





Ўзбекистондан фронтга меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми – 1 миллион 951 мингга яқин киши кетди. Уларнинг ҳар учтадан бири бизнинг ватанимиз учун жонини берди. Ғалаба боғи марказида ўрнатилган рамзий деворнинг орқаси даҳшатли уруш кетаётган фронт чизигини англатади. Деворнинг орқа томонида ўзбек халқининг фронт ортидаги машаққатли меҳнати, ғамхўр қўллари, меҳнатсеварлиги ва қаҳрамонлиги акс этган. Ушбу композицияда халқимизнинг урф-одатларини акс эттирадиган деворга осилган тишлиланган нон акс эттирилган. Урушга кетаётган аскарга нон четидан тишлилган ва у қайтгунча деворга осиб қўйишган. У “Ой бориб, омон қайт” деган маънони билдирган.